



Йирик солиқ тўловчиларнинг инвестициявий фаоллигини солиқ имтиёзлари орқали рағбатлантириш

Тохиров Шухрат Ниёз ўғли

Фискал институт таянч докторанти

Аннотация: Мақолада мамлакатимизда йирик солиқ тўловчиларнинг инвестициявий фаоллигини рағбатлантиришнинг самарали йўллари ёритилган. Шунингдек, “солиқ имтиёзи” тушунчасининг иқтисодий аҳамияти очиқ берилган. Мамлакатимизда солиқ турлари бўйича қўлланилган солиқ имтиёзлари бўйича таҳлилий маълумотлар асосида тегишли хулосалар қилинган.

Калит сўзлар: солиқ, солиқ имтиёзи, инвестиция, инвестиция сиёсати, инвестиция фаолияти, инвестицион фаоллик.

Аннотация: В статье описаны эффективные способы стимулирования инвестиционной активности крупных налогоплательщиков в нашей стране. Также раскрывается экономическая значимость понятия «налоговая выгода». Соответствующие выводы сделаны на основе аналитических данных о применяемых в нашей стране налоговых льготах по видам налогов.

Ключевые слова: налог, налоговые льготы, инвестиции, инвестиционная политика, инвестиционная деятельность, инвестиционная активность.

Abstract: The article describes effective ways to stimulate the investment activity of large taxpayers in our country. Also, the economic significance of the concept of "tax benefit" is revealed. Relevant conclusions were made based on the analytical data on the tax benefits applied in our country by types of taxes.

Key words: tax, tax relief, investment, investment policy, investment activity, investment activity.

1. Кириш.

Йирик солиқ тўловчиларнинг инвестициявий фаоллигини рағбатлантиришнинг самарали йўлларида бири бу- солиқ имтиёзлари беришдир. Йирик солиқ тўловчиларнинг инвестициявий фаоллигини солиқ имтиёзлари орқали рағбатлантириш масалаларини илмий жиҳатдан талқин этишдан олдин “солиқ имтиёзлари” тушунчасининг иқтисодий моҳиятини ўрганишимиз зарур. Шунинг учун хорижий ва мамлакатимиз иқтисодчи олимларининг “солиқ имтиёзи” тушунчасига таърифларни таҳлил қиламиз.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 75-моддасида солиқлар ва йиғимлар бўйича имтиёзларга қуйидагича таъриф берилган:

“Солиқ тўловчиларнинг айрим тоифаларига бошқа солиқ тўловчиларга нисбатан солиқ тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилган афзалликлар, шу жумладан солиқни тўламаслик ёки уларни камроқ миқдорда тўлаш имконияти солиқ имтиёзлари” деб эътироф этилади[1].

2. Адабиётлар шарҳи.



Иқтисодий адабиётларда йирик солиқ тўловчиларнинг инвестициявий фаоллигини солиқ имтиёзлари орқали рағбатлантириш борасида турли фикрлар берилган ва мунозарали масалалар келтирилган.

А.А.Козлова ва Е.Н.Харламовалар хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестициявий фаоллигини давлат томонидан қўллаб қувватлашнинг икки шаклини эътироф этишган: бевосита рағбатлантириш, бу давлат бюджетидан маблағ ажратиш, билвосита рағбатлантириш-бу солиқлар воситасида рағбатлантириш.[2].

В.М.Авдеева хориж тажрибаси асосида инвестициявий фаолиятни рағбатлантиришда қуйидагиларни бўлишлигини баён қилган:

1.Фойда солиғи бўйича солиқ имтиёзларини бериш.

2. Инвестицион солиқ кредитларини бериш тартиби ва шартларини қайта кўриб чиқиш ва ўзгартириш зарурати борлигини.

3. Инновацион ва юқори технологияли фаолият билан шуғулланувчи ташкилотлар фаолиятига инвестицияларни рағбатлантиришнинг қўшимча нормаларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва жорий этиш нуқтаи назаридан солиқ қонунчилигига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ва бошқалар.[3].

Н.В. Балабанова ва Т. Р. Валинуровларнинг фикрича, солиқ имтиёзлари-билвосита солиқларни тартибга солиш усулларида бири бўлиб, уларни олувчилар учун янада қулай бизнес шароитларини яратишдир[4].

Б.А Федосимов бу борада қуйидагиларни такидлаган: Солиқ имтиёзлари ҳуқуқий имтиёзларнинг бир тури бўлиб, чунки улар тегишли жараён доирасида иқтисодий муносабатлар субъектларининг манфаатларини таъминлаш мақсадида солиққа тортилувчи томонидан солиқ ва йиғимларни тўлашни камайтириш ёки умуман тўламасликдир[5].

Н.Р.Қўзиева ўзининг илмий ишларида, Республикамизда фаолият кўрсатаётган эркин иқтисодий зоналарга хорижий инвестицияларни жалб қилишни янада рағбатлантириш ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга солиқлар ва божхона тўловлари бўйича берилган имтиёзларнинг самарали амал қилиш механизмини янада такомиллаштириш юзасидан қатор таклифлар берганган[6].

Ф.Рахматуллаева солиқ имтиёзига категория сифатида қуйидагича таъриф берган: “имтиёзлар - бу иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш ва ижтимоий вазибаларни ҳал этиш мақсадида солиқ тўловчининг солиқ мажбуриятларини қонун томонидан белгиланган шаклда бутунлай ёки қисман камайтиришнинг йўллари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари мажмуидир”[7].

З.Курбанов ва Ф.Акрамов солиқ имтиёзларининг моҳиятини очиш мақсадида уни назарий жиҳатдан уч гуруҳга бўлиб ўрганишган:

– солиқдан тўлиқ ёки қисман озод этиш;

– солиқдан чегирмалар;

– солиқ кредитлари (солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар)[8].

Ж.Ж.Урмонов фикрича “солиқ имтиёзи – Солиқ кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ, солиқ тўловчиларга солиқ мажбуриятини қисқартириш,



солиқ ставкаси ва солиқ базасини камайтириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўламаслик ёхуд уларни камроқ миқдорда тўлаш имконияти”[9].

Юқоридаги таърифларни умумлаштирган ҳолда хулоса қилишимиз мумкинки, солиқ имтиёзлари бу-солиқ тўловчиларни молиявий рағбатлантириш мақсадида солиқлардан қисман озод этиш, солиқларни камроқ тўлаш, солиқ кредитлари беришдир.

3. Таҳлил ва натижалар:

Солиқ имтиёзларини бериш механизмидаги энг мураккаб жараён бу солиқ имтиёзларини белгилаш мезонларини адолатлилик ва ошкоралик принципига асосланган тарзда белгилаш керак бўлиб ҳисобланади. Лекин, қайд этиш жоизки, солиқ имтиёзларини белгилаш жаҳон амалиётида ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий сиёсатининг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб белгиланади ва шу жиҳатидан у турли давлатларда турлича ҳисобланади.

Жаҳондаги барча ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўзаро глобал рақобат майдонида инвестицияларни жалб этишнинг турли усулларида фойдаланиб келмоқда. Инвестицияларнинг фаоллиги эса айнан солиқ тизимининг қанчалик самарали ташкил этилганлигига бевосита боғлиқдир.

Солиқ имтиёзлари солиқ механизмидаги энг муҳим усуллардан бири бўлиб, у иқтисодий жараёнларни амалга ошириш, бизнесни ривожлантириш йўналишини белгилаб, жамиятнинг ижтимоий тузилишини тартибга солиш усулидир.

Р.Р.Эргашевнинг фикрича, тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларига берилган кенг қамровли имтиёз ва рағбатлантиришларни мамлакат ички инвестицияларига ҳам жорий этиш лозим. Бу-нинг натижасида аҳоли кўлидаги жамғарма кўринишидаги нақд пул маблағлари ҳам муо-малага киради ва бизнеснинг янада тараққий этишига олиб келади. Масалан, Швецияда ички ва ташқи инвестициялар ўртасида тафовут деярли йўқ [10].

Мамлакатимизда солиқ имтиёзларидан фойдаланган корхоналарнинг қарийб 73,4 фоизи (26 346 та корхона) кичик бизнес субъектларига ва 26,6 фоизи (8 442 та корхона) йирик корхоналарга мансуб [11].

Мамлакатимизда хорижий инвестицияларни кенг жалб қилишда эркин иқтисодий зоналар муҳим аҳамиятга эга. Бугунги кунда мамлакатимизда ташкил этилаётган эркин иқтисодий зоналар ва кичик иқтисодий зоналарнинг ривожланиб кўпайишига ҳам давлат томонидан солиқ бўйича берилаётган кўплаб имтиёз ва преференцияларнинг таъсири катта бўлмоқда.

Солиқ тўловчиларга берилаётган солиқ имтиёзларининг асосий қисми йирик солиқ тўловчилар улушига тўғри келмоқда (1-жадвал).

2022 йилда жами берилган солиқ имтиёзларининг миқдори 72 963,7 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, йирик солиқ тўловчиларга берилган имтиёзларнинг миқдори 46.348.7 млрд.сўм бўлган, ёки жами имтиёзларнинг 63,52 фоизи тўғри келади. Бу нисбат алоҳида солиқ турлари бўйича ҳам шундай. Масалан, ҚҚС бўйича жами солиқ имтиёзлари 64 107,9 млрд.сўм бўлиб, унинг 43,373.4 млрд.сўми ёки 67,66 фоизи йирик солиқ тўловчиларга ҚҚС дан берилган солиқ имтиёзларини ташкил этмоқда. Йирик солиқ тўловчиларга берилган солиқ имтиёзларининг 93,6 фоизи ҚҚСга, 4,5 фоизи фойда солиғининг улушига тўғри келган. ҚҚСга бўйича берилган солиқ



имтиёзларининг 51,6 фоизи ёки 23,929.4 млрд.сўми ноль ставка бўйича имтиёзлардир.

4. Хулоса ва таклифлар:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2020 йил 10 январдаги 3172-1-сон билан рўйхатга олинган “Юридик шахсларни йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритишнинг мезонларини белгилаш тўғрисида”ги Низомга асосан юридик шахсларни йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритишнинг мезонларига жавоб берадиган хўжалик юритувчи субъектлар йирик солиқ тўловчилар бўлиб ҳисобланади.

Йирик тадбиркорлик субъектлари таркибига—жами даромади календарь йил давомида 100 миллиард сўм ва ундан юқори бўлган тадбиркорлик субъектлари киритилади.

1-жадвал

2022 йилда йирик солиқ тўловчилар томонидан солиқ турлари кесимида фойдаланилган солиқ имтиёзлари таҳлили¹

Т/р	Солиқ тури	Солиқ имтиёзлари фойдаланилган		млрд.сўм
		ҳолатлар сони	суммаси	Улуши %
Жами		14,939	46 348.7	100%
1	Қўшилган қиймат солиғи	9,056	43,373.4	93.6%
	<i>Ноль ставка бўйича</i>	2,830	23,929.4	51.6%
	<i>Молиявий ва сугурта хизматлари</i>	3,028	14,251.4	30.7%
	<i>ҚҚСсиз</i>	3,198	5,192.6	11.2%
2	Акциз солиғи	7	1.8	0.004%
3	Фойда солиғи	178	2,106.3	4.5%
4	Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи	1,553	346.8	0.7%

¹ Солиқ қўмитасининг очик маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.



5	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	1,512	113.6	0.2%
6	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	2,446	206.6	0.4%
7	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	16	4.3	0.01%
8	Ижтимоий солиқ	171	195.9	0.4%

Йилдан йилга йирик солиқ тўловчиларнинг бюджетга тушумдаги улуши ошиб бормоқда. 2018 йилда унинг улуши 52,0 фоиз бўлган бўлса, 2022 йилда бу кўрсаткич 63,8 фоизни ташкил қилган.

Йирик солиқ тўловчиларнинг инвестициявий фаоллигини рағбатлантиришнинг самарали йўлларида бири бу- солиқ имтиёзлари беришдир.

Адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 75-моддаси. 2023.
2. Козлова А.А. Харламова Е.Н. Развитие системы налоговых льгот в России. // Сборник научных трудов межвузовской научно-практической конференции. 2018. С. 48-51.
3. Авдеева В.М. — Налоговые методы стимулирования внедрения цифровых инноваций // Налоги и налогообложение. – 2021. – № 6. – С. 1 - 11.
4. Балабанова Н.В., Валинуров Т.Р. Льготы и преференции в системе налогового регулирования. «Современные наукоемкие технологии. Региональное приложение» №4 (44) 2015.
5. Федосимов Б.А. Совершенствование правовой регламентации института налогового льготирования в Российской Федерации. Правоприменение. 2022. Т. 6, № 1. С. 88–99
6. Кўзиева Н.Р. Хорижий инвестицияларни жалб қилишда солиқ сиёсатининг устувор йўналишлари. Ҳалқаро молия ва ҳисоб электрон журнали. №6, декабрь. 2017.
7. Рахматуллаева Ф. “Солиқ имтиёзларининг моҳияти ва иқтисодийни рағбатлантиришдаги роли” Молия илмий журнали №2/2016 108 бет.
8. Курбанов З., Акрамов Ф. “Солиқ имтиёзларининг молиявий ҳисобини такомиллаштириш масалалари” Бизнес-эксперт илмий журнали №9 2015.
9. Урмонов Ж.Ж. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиқ механизми воситасида тартибга солишни такомиллаштириш масалалари. Иқтисодийт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. 2018
10. Эргашев Р.Р. Корхоналарнинг инвестицион фаоллигига солиқ механизмнинг таъсири. Илм-фан ва инновацион ривожланиш / 2019 No 6.
11. Турабов У. О. Республикамизда тадбиркорларга берилаётган солиқ имтиёзлари маъмуриятчилигини такомиллаштириш “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” (Economics and Innovative Technologies) ilmiy elektron jurnali. 6/2022, noyabr-dekabr (№ 00062).